

«... Биз сенинг фироқингдан жуда маҳзунмиз, эй Иброҳим»



09:07 / 10.01.2024 3959

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу кеча менинг ўғлим туғилди. Уни бобом Иброҳимнинг исми билан номладим»**, дедилар. Сўнгра уни Абу Сайф деб аталадиган темирчининг аёли Умму Сайфга бердилар. У зот унинг олдига йўл олдилар. Мен эргашдим. У зот билан Абу Сайфнинг олдига кирдик. У босқонини босаётган ва уй тутунга тўлиб кетган экан. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига тушиб тезлаб бордим-да: «Ҳой, Абу Сайф! Тўхта!» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар. У тўхтади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам болани келтиришни сўрадилар. Уни бағирларига босдилар ва Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни айтдилар».

Анас айтади: «Сўнгра яна уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида жон бераётганида кўрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки кўзларидан ёш оқди ва у зот: **«Албатта, кўз ёш тўкади, қалб маҳзун бўлади, аммо Роббимизни рози қиладиган нарсадан бошқани айтмаймиз. Аллоҳга қасамки, биз сенинг фироқингдан жуда маҳзунмиз, эй Иброҳим»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.